Ушбу сонда:

2 ВАТАН МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

3 «МУРУВВАТ УЙИ» мурувватсизликка мубтало бўлди

4 *Теннис* КУЦЕНКО - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 30 сентябр, сешанба № 152 (1577)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли муаллим ва мураббийлар, муҳтарам устозлар!

Авваламбор, барчамиз учун қувончли бўлган мана шу қутлуғ айёмда сиз азизларни - бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган, эзгулик бунёдкори бўлмиш фидойи инсонларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз - ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

Чунки сизлар одамзот қалбига бу дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ноёб ва беқиёс бойликни жо этасизлар. Бу бойликнинг номи билим ва илму ҳунардир.

Сиз берган ана шу билим зиёси инсоннинг мураккаб ҳаёт синовлари ва турли машаққатлар олдида эсанкирамасдан, уларни сабот билан енгиб ўтишида куч ва мадад бўлади, умр йўлларини бамисоли маёқ бўлиб ёритади.

Шу боис, ер юзида қанча қийинчилик, сурону тўфонлар рўй бермасин, сиз каби минглаб фидойи одамларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнати, инсоний ибрати туфайли то ҳануз маърифат ва эзгулик завол билмай яшаб келмоқда.

Бугунги қутлуғ байрам арафасида биз фарзандларимизни илк бор мактаб ва лицей-коллежлар остонасида бағрини очиб кутиб оладиган, уларга қунт ва меҳр билан сабоқ берадиган заҳматкаш муаллимларимизни, олий ўқув даргоҳларида ёшларимиз онгу тафаккурига илм-фан асослари билан бирга инсонийлик фазилатларини ҳам сингдирадиган муҳтарам домлаларимизни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Барча-барчамиз - бугун ҳаётдан муносиб ўрнини топган, элу юртга хизмат қилаётган ҳар бир инсон камолот йўлида, таъбир жоиз бўлса, унга зинапоя бўлиб, ўз елкасини тутиб берган сиз, ҳурматли устозлар олдида умрбод қарздормиз. Ва мен бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигини истардим.

Бугун барчамиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол, она Ватани ва халқига садоқатли авлодни вояга етказиш, жондан азиз фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун интилиб яшаётган эканмиз, шахсан мен бу улуғвор вазифани адо этишда сизларни ўзимнинг маслакдош ва кўмакчиларим, бу борадаги энг асосий ҳал қилувчи куч, деб биламан.

Ҳозирги пайтда биз бутун жаҳонда эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни изчиллик билан амалга оширa бориб, таълим соҳасида катта ютуқларга эришмоқдамиз.

Бу, авваламбор, умидимиз ва таянчимиз бўлган истеъдодли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бундай улкан зафарлар учун барчамиз биринчи галда сизлардан -билимли, ўз касбига садоқатли, миллат ва халқ келажагини ўйлаб яшайдиган ўқитувчи ва мураббийлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, савобли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қалбингиздаги меҳр ва маърифат нури асло сўнмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Юртимизда ҳар йили 1 октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни зўр шодиёна билан нишонланади. Боиси - эл-юртимиз устозлар тимсолида ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки улар қалбига она Ватан меҳрини, юксак инсоний фазилатларни сингдирадиган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.

Ана шу қутлуғ санага бағишланган тантанали йиғилиш 29 сентябр куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Бу ерга узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фидойи устозлар, илғор ўқитувчилар, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

ЭЗГУЛИК БУНЁДКОРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Дарҳақиқат, бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ўз истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизлар тимсолида, энг аввало, ўқитувчиларнинг эзгу меҳнати самарасини кўрамиз. «Ўзбек модели» сифатида бутун жаҳон эътироф этаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилиш, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш борасида улар олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовор.



М.АМИН (ЎзА) олган сурат

Суратда: Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназия ўқитувчиси Матлуба Бахромова ўқувчи Севара Узоқовага навбатдаги дарсни тушунтирмоқда.

Бу жиҳатлар, айниқса, ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга тараннум этаётганида яққол намоён бўлмоқда. Шу боис ана шу шарафли касб эгалари байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан бир гуруҳ илғор педагоглар Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта мусиқий дастур билан якунланди.

(ЎзА)

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ИНВЕСТИЦИОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларини гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида қутлаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Ўзбекистоннинг яқинда Ислом тараққиёт банкининг тўлақонли аъзоси этиб қабул қилинганлиги муносабати билан давлатимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ислом тараққиёт банки ва ислом давлатларининг ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш, ахборот-технология соҳаларидаги етакчи компаниялари ва йирик банклари вакиллари иштирокидаги ушбу нуфузли анжуманнинг илк бор Тошкентда ўтказилаётганлиги биз учун катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритишлари, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кенг ҳамкорлик қилишлари учун қулай шарт-шароит ва мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар билан нефть-газ ва энергетика саноати, рангли металлар ва қимматбаҳо тошлар қазиб олиш, кимё, авиация, автомобилсозлик, тўқимачилик ва машинасозлик тармоқларида, бой қишлоқ хўжалик хомашёси, айниқса, пахта толасини қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳамда банклар капиталида иштирок этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш борасида барча зарур имкониятлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, биз Сизлар билан ҳамкорликда минтақа давлатлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, Араб денгизи ва Форс кўрфази портларига чиқадиган халқаро трансмиллий коммуникациялар барпо этиш дунё мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этади, деб биламиз.

Ислом тараққиёт банки ва унинг таркибига кирувчи ислом давлатлари билан гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилишга, айниқса, бутун мусулмон оламига танилган тарихий обидалар ва маънавий ёдгорликларни қайта тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга биз катта эътибор қаратмоқдамиз.

Ишончим комилки, сизларнинг юртимизга ташрифингиз, анжуманда бўладиган ўзаро фикр алмашишлар, ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилиши Ислом тараққиёт банки ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни кучайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мен ушбу нуфузли Инвестицион конференция ва унинг доирасида бўлиб ўтадиган устувор лойиҳаларнинг тақдимотлари, тадбиркорларнинг ўзаро учрашувлари янги истиқболли қўшма лойиҳалар тузиш учун мустаҳкам замин яратади, сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтадиган мулоқотлар узоқ муддатли, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади, деб умид билдираман.

Анжуман давомида сизлар ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимияти ва меҳмондўстлигини ҳис этасиз, кўп асрлик тарихимиз, бой маънавий меросимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз билан яқиндан танишиб, янги дўстлар, ишбилармон ҳамкорлар орттирасиз, деб қатъий ишонаман. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ АНЖУМАНИ

29 сентябр куни пойтахтимиздаги Халқаро-бизнес марказда Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) Инвестицион конференцияси бошланди.

ИТБнинг шу ой бошида ўтган навбатдаги йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган эди.

Ислом тараққиёт банки - халқаро тараққиётни қўллабқувватловчи молиявий муассаса бўлиб, 1973 йил 18 декабрда Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирларининг йиғилишида таъсис этилган. ИТБнинг асосий мақсади мусулмон олами мамлакатларидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашишдир. Ташкилот қароргоҳи Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган.

Тошкентда очилган икки кунлик сармоявий анжуманда юзга яқин мамлакатдан ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ислом тараққиёт банки Инвестицион конференцияси иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али сўзга чиқиб, Ўзбекистон анжуманга юксак савияда тайёргарлик кўрганини таъкидлади. Меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга ҳамда ўзбек халқига миннатдорлик билдирди. ИТБ раҳбарияти мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган барча ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келаётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт йўли, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, хусусийлаштириш жараёни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, музокаралар ўтказишди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Ўзбекистон нефт ва газ секторини ривожлантиришга оид мавзуидаги музокарада мазкур соҳаларга оид сармоявий лойиҳалар тақдимоти ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий сармоя жалб этишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилди.

Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга бағишланган давра суҳбатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, ипакчилик, тўқимачилик, енгил саноатни равнақ топтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сайёҳлик, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича музокаралар ҳам анжуман кун тартибидаги асосий масалалардан. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизда сайёҳликни, транспорт ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ИТБ анжумани иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштириш жараёнига бағишланган музокараларда эса, мамлакатимизда енгил саноат, тоғ-кон, нефт ва газ, машинасозлик ва банк соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоядорларнинг иштироки хусусидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***ФАРМОНИ***

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятлар рухида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида фидойилик намунасини кўрсатганлиги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Арабова Карима - Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 32-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ахмедов Рустам - Навоий вилояти Нурота туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси

Болиев Асракул Болиевич - Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 27-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Вахабова Огул - Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Исаев Жаббар - Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 25-мактабнинг директори

Мўминов Каримжон - Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 29-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Отамирзаев Юсуфжон - Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Рахимов Мамажон Исаевич - Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 43-мактабнинг физика-математика ўқитувчиси

Садуллаев Рахмон - Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицейининг кимё-биология ўқитувчиси

Сеитниязов Нарбай - Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 8-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Тоиров Ҳаким - Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Яқубов Қосим Мансурович - Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ўмирзақов Жумабек - Жиззах вилояти Фориш туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

Ғойибов Жўра Ёмғирович - Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Абдуллаева Дильдар Мавляновна - Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Аликулов Саттар - Қашқадарё вилояти Қамаши тумани халқ таълими бўлими методика кабинетининг методисти

Арифходжаев Сайдалим Аскарходжаевич - Республика таълим маркази табиий билимлар бўлими бош методисти

(Давоми 2-бетда)

«Ишонч» фош этади

Олмалиқ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси ходимлари йил бошидан бери 158 та текширув ўтказиб, шундан 151 тасида турли хил қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашди.

БОЖХОНА ПОСТИДАГИ КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Текширувларнинг бири яқинда «А ва Л» ЛТД хусусий фирмасига қарашли 9-сонли дўконда ўтказилди. Бу ерда Лиана Степанова ва Юлия Тян савдо қилишарди. Инспекция ходимлари назорат-касса машинасининг бир кунлик ҳисоботини дўкон ғазнасидаги нақд пул тушумига солиштиришганида 10 минг 760 сўмга фарқ қилди. Демак, сотувчилар шунча пулни назорат-касса машинасига кирим қилишмаган.

Олиб борилган суриштирув ишлари давомида ҳар иккала сотувчи аҳоли билан пуллик ҳисобкитобда назорат-касса машинасидан мунтазам фойдаланмай келганликлари, жами 3 миллион 924,3 минг сўмлик савдо пулини назорат-касса машинасидан ўтказмай, амалдаги қонун-қоидага хилоф иш қилганликлари маълум бўлди. Шу боисдан ҳам ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Примқулов номли кўчада жойлашган «Бирюза» масъулияти чекланган жамиятга қарашли грилбарда ўтказилган қисқа муддатли текширувда ҳам шундай ҳолат намоён бўлди. Бармен В.Матвеева 11минг 240 сўм савдо пулини назорат-касса машинасидан ўтказмаган ва харидорга чек бермаган эди. Шу айби учун корхонага энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўлланилди. Агар молиявий интизом бузилмаганида, бу маблағ корхона ишчи-хизматчиларини мукофотлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланган бўларди.

Хусусий тадбиркор Ли Еленага қарашли хусусий дўкон «Ойдин» тижорат бозорида жойлашган. Ичкарида назорат-касса машинаси ўрнатилган. Лекин Ли Елена ундан ҳушига келса фойдаланади, бўлмаса йўқ. Шу тариқа назорат касса машинасига кирим қилинмаган савдо пуллари 56 минг 400 сўмга етиб қолибди. Демак, шунча пул банкга топширилмай, бошқа мақсадларга сарфланган. Бунинг устига божхона декларациясиси ва сифат сертификатисиз 84 минг 800 сўмлик маҳсулотлар ҳам сотувга қўйилганди. Тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Олмалиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Тезкор текширувлар давомида бошқа хил ноқонуний хаттиҳаракатларга ҳам чек қўйилмоқда. Яқинда Ш.Рашидов номли кўчадаги 39-уйда жойлашган яширин нон цехи фаолияти тўхтатилди. Цех бошлиғи Бобур Очилов тўрт нафар ишчини ёллаб буханка нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборган экан. Ёлланган ишчилар ҳар ойда ундан 15 минг сўмдан иш ҳақи олиб турганлиги аниқланди. Текширув ўтказилган куни тайёр маҳсулотлар, хомашё ва ускуналар далилий ашё сифатида олинди.

Айрим мураккаб текширувлар ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар-нинг ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилянти. Текширувларнинг бирида 20 минг дона сохта акциз марка ва 396 минг сўмлик тамаки маҳсулотлар қўлга туширилди. Улар Тожикистондан Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётган УАЗ-469 русумли автомашина юкхонасидан олинди. Маълум бўлишича, тожикистонлик Хайриниса Мухурова ва Османали Азизбеков бу хилдаги сохта акциз маркаларни ва тамаки маҳсулотларини хуфёна йўллар билан сотиш учун олиб келаётган эканлар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Пихини ёрган тадбиркорлардан яна бири яқинда Самарқанд туманида қўлга тушди. Туман давлат солиқ инспекциясига тушган тезкор маълумотларнинг бирида «Мароқанд» жамоа хўжалигидаги «Даштисўхта» қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Олим Ҳамидов хонадонига прицепли «КамАЗ» автомашинасидан шубҳали юклар туширилаётганлиги билдирилган эди. Туман давлат солиқ инспекцияси ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларидан иборат тезкор гуруҳ аъзолари қишлоққа етиб келишганида шубҳали автомашина атрофида уч-тўрт киши уймалашиб юрарди.

Тезкор гуруҳ аъзолари ишни прицепли машинага ортилган юкларнинг ҳужжати билан танишишдан бошлади. Тумандаги Собиржон номли хусусий фирма экспедитори Облоқул Зоҳидов ўзини дадил тутишга ҳаракат қиларди, лекин ҳаяжонланаётганлиги билиниб турарди. У тақдим этган ҳужжатларда бу юклар Россиядаги «Агровит» ва «Логерменежмент» масъулияти чекланган жамиятларда тайёрланган ва Самарқанд туманидаги Собиржон номли хусусий фирмасига юборилган озуқа препарати эканлиги маълум қилинган эди. Машина Қорақалпоғистон Республикасидаги 35004-сонли божхона пости орқали ўтиб келган ва юкхона эшиклари муҳрланганлиги божхона ҳужжатларида кўрсатилган. Лекин кейинроқ юкхона эшиклари рухсатсиз очилган эди. Ҳайдовчи Андрей Терлеев эса автомашинада юк ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга эга эмасди.

Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш учун «КамАЗ» русумли автомашина 4-сонли «Самарқанд» божхона постига олиб келиниб, унга ортилган товар моддий бойликлар кўздан кечирилганда, кутилмаган воқеа содир бўлди. Машина юкхонасига «Агровит» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилган ва «Маъданли озуқа қўшилмаси - озуқа оҳаги» деб ёзиб қўйилган ҳар бири 25 килограммлик 1030 та қоғоз қоп тахланганди. Қоплар ёнидаги ўнлаб идишларда турли рангдаги суюқликлар бор бўлиб, бир бурчакда илгари ишлатилган 1 та автомашина шинаси тахлоғлиқ турарди. Яшикларда «Флагман», «Русский стандарт» ароқлари, қопқоп шакарлар, гамбургер ва коктейл тайёрловчи ускуналар, яна аллақандай хомашёлар бир-бирига суяб қўйилганди. Қорнига «Озуқа оҳаги» деб ёзиб қўйилган қоғоз қоплар танлаб текширилганида уларнинг 16 тасида уч турдаги дори-дармонлар жойланганлиги маълум бўлди. Улар саналганда 5200 дона чиқди. Белоруссияда ишлаб чиқарилган «Ампициллин тригидрат» ва қаерда тайёрланганлиги номаълум бўлган «Пирацетам» таблеткалари ҳам шу қоплардан жой олганди. Қопларнинг 7 таси қўш қаватли бўлиб, биринчи қаватдаги қопларга «Марганец», «Кальций фосфат», «Селенит натрия», деб ёзиб қўйилганди. Германияда ишлаб чиқарилган сариқ кукунли қоплар ҳам улар каторидан жой олган. Буларнинг бирортаси ҳам ҳужжатга эга эмасди.

Собиржон номли хусусий фирма номига келган 924 та қоп «Озуқа оҳаги» ҳамда 10 та ўн литрли конистр идишларгина ҳужжатлаштирилганди холос. Қолган товар моддий бойликлар мамлакатимизга ҳужжатсиз кириб келаверибди. Солиқ хизмати ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ноқонуний товарлар ушлаб қолинди.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Ваисов Харыбжан Ниетуллаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси

Ем Ольга - Андижон вилояти Асака шаҳридаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Закиров Исламбай Исакович - Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи

Ибрагимов Келдияр - Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти бўлим бошлиғи

Ишбекова Винера Дустмухамедовна - Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 3-мактаб директори

Казаков Эгамберган - Хоразм вилояти Урганч тумани халқ таълими бўлими мудири

Ким Владимир - Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 28-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Кравченко Людмила Владимировна - Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 3-гимназия мактаб директорининг ўринбосари

Пиримкулов Хушбок - Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани халқ таълими бўлими методисти

Таирова Муяссар Рамазановна - Бухоро шаҳридаги 32-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хакимов Турсунбой - Наманган вилояти Учқўрғон тумани халқ таълими бўлими методисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Аминов Хасан Рашидович - Республика рассомлик коллежининг тасвирий санъат ўқитувчиси

Атаев Бахтияр Пулатович - Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежининг мусиқа ўқитувчиси

Бадалов Лукмон Субҳонович - Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 43-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Бойдедаев Ташпулат - Наманган вилояти Уйчи туманидаги 38-мактабнинг физика ўқитувчиси

Кутлымуратов Джумабай - Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 17-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мамбетов Абдуразак - Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Назаров Гайрат Назарович - Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 39-мактаб директори

Обидова Гулнора - Хоразм вилояти Хива туманидаги 97-махсус мактаб-интернат директорининг ўринбосари

Пардаев Мирза - Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 31-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Полванова Раъно - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 201-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Расулов Абдижалол Абдукаримович - Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 2-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Хайдаров Тураб Бегматович - Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 11-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Худоёрова Хожибегим - Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 37-лицей-интернатнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Юсупжанов Талибжан - Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 13-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Ганиева Ирина Викторовна - Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Ёқубжанов Рахманали - Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 26-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Мажидов Рустамали Ахмадалиевич - Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги спорт мактабининг мураббийси

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фидокорона меҳнатлари билан кенг жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абдуназарова Дильшат - Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-мактабнинг директори

Дуйсебаев Нурхан Нуртаевич - Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Ибадуллаев Анвар - Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 22-мактабнинг директори

Кенжаев Саттор Хамроевич - Навоий вилояти Кармана тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари

Латыпов Тафкиль - Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 28-мактабнинг физика ўқитувчиси

Мелиев Тожибой - Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

Раупов Ибрагим - Самарқанд вилояти ҳокими ҳузуридаги таълим соҳаси вакиллари Кенгашининг гуруҳ раҳбари

Рахмонов Ғози Махмудович - Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 54-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Сабиров Козыбай - Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 51-мактабнинг физика ўқитувчиси

Сайфутдинов Одил - Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлими «Нуроний-устоз» уюшмаси раиси

Ташбабаев Шакархон - Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тўраев Усмон Умарович - Бухоро вилояти Олот туманидаги 33-мактабнинг физика ўқитувчиси

Хамидова Санобархон - Наманган вилояти Норин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

Хожиматова Мамлакатхон - Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 27-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Ашурова Махаррам - Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 38-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Аҳроров Равшан - Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 47-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бегматова Халиниса - Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ерназаров Халилла - Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 6-истеъдод мактабининг кимё ўқитувчиси

Ибрагимов Аминжан - Наманган вилояти Чуст тумани педагогика касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

Керимов Низами Азизович - Яккакураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директорининг ўринбосари

Махмудов Рахматжон Ахмедович - Фарғона вилояти Риштон туманидаги 26-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Муминов Хамро - Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 10-мактабнинг география ўқитувчиси

Отавалиева Ульмасхон - Андижон вилояти Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг биология ўқитувчиси

Рахманов Бобажан - Хоразм вилояти Шовот туманидаги 4-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

Сарсенбаев Конысбай - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 21-мактабнинг математика ўқитувчиси

Тулаев Абдурауб Абдинович - Тошкент вилояти Пискент туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Усанов Аллаберди - Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 4-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Файзуллаев Нартура - Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 7-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Халилов Дурбек Аминджанович - Фарғона политехника институти физика кафедрасининг доценти

Хлебожорова Галина Петровна - Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 404-махсус мактабгача таълим муассасасининг сурдопедагоги

Холмурадов Тошпулат - Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 21-мактабнинг тарих-география ўқитувчиси

Цой Тамара - Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 2-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ғаппарова Зарифа - Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ҳайдаров Суванқул Раимович - Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 16-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни яратиш, уларни ўз юртига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуманонов Абдухамед - Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Кўзи ожиз болалар махсус мактаб интернатининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Артикова Гулбиби - Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Жапбарова Санам - Навоий вилояти Конимех туманидаги 7-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Заиров Ўткир - Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг физика ўқитувчиси

Зайнидинова Насиба Ешмуратовна - Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ишназарова Олия Баракаевна - Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Йўлдошев Худойназар - Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 5-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ким Светлана - Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Купер Ася Абрамовна - Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйининг логопеди

Нурматов Иномидин - Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Отажанов Бахадир - Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Рўзиев Қамар Қаландарович - Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Федечева Вера Ивановна - Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 6-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Эркабаева Дилором Рамзоевна - Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 17-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

Ёшлар истеъдодини камол топтириш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллоев Зубайдилло - Бухоро вилояти Когон тумани халқ таълими бўлимининг мудири

Алланазаров Турди - Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 48-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бердимуратов Махсетбай - Қорақалпоғистон Республикаси 2-Шуманай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Булекбаева Шолпан Бухарбаевна - Навоий вилояти Томди туманидаги 10-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Волкова Лариса Александровна - Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Ганиева Хурмат - Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Горбанева Валентина Васильевна - Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 18-мактабнинг физика ўқитувчиси

Губарь Елена Ароновна - Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 51-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Жалалов Гулам - Тошкент шаҳар 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори

Зарипов Гулшанжон Хакимжон ўғли - Фарғона вилояти Сўх туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси

Махамбеталиева Сакип - Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 4-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мирзаева Рисолат - Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 74-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мирзаева Айби Негмуратовна - Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 10-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Мустапаев Конысбай - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

Рязанцева Елена Геннадевна - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Саиднафасова Гулнар Чориевна - Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Сиддиков Садикжон - Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 17-сон болалар мусиқа мактабининг мусиқа ўқитувчиси

Султанова Мархаматжон Бойбобоевна - Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Ситора» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Тукшайтова Найля Идрисовна - Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Хасанов Марат Абдушарипович - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича педагог-мураббийси

Чопанашивили Наталия Алексеевна - Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туманидаги 2-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Эшонқулов Абдулло - Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Ўтанов Абдулла Ураимович - Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда таълим жараёнига янги, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдибокиев Уктамжон - Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 43-мактабнинг география-биология ўқитувчиси

Абдуахатов Бахтиёр - Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 4-вилоят лицей-интернатининг кимё ўқитувчиси

Абдуллаев Валижон Алижанович - Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Абдуллаев Тохиржон - Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 42-мактабнинг директори

Абдуллаев Арзиқул Абдираимович - Сирдарё вилояти Оқолтин ижтимоий-иқтисодий коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Адилова Дилором Асадовна - Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 42-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Адылова Дилорам - Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 67-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Акбарова Сахадатхан - Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 18-лицей-интернатнинг физика ўқитувчиси

Аликулов Эркин Бердиёрович - Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 44-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Алмарданов Абсалом - Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 24-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Алматов Рисбой Тожибоевич - Тошкент вилояти Бўка туманидаги 34-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Арслонов Ибрагим - Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 21-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Аслиев Насриддин - Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 6-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Аслонова Мухтарам Аскаровна - Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейнинг биология ўқитувчиси

Асророва Сабоат Эргашевна - Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 16-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Ашурова Махмуда Абдусатторовна - Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бакирова Замирахон Акбаровна - Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 9-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси

Баситханова Мунира Шакировна - Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бекимбетова Айпарша Рапыковна - Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бердимуратова Рая Убайдуллаевна - Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 8-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бобаярова Замира Суюновна - Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 3-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Бозоров Тоғаймурат Нурмаматович - Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 6-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Бухаров Адылжан Саидович - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи

Глушкова Любовь Михайловна - Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Джалалова Тожибархон Янгиевна - Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 11-санатория мактаб-интернатнинг педагог-психологи

Досимбетова Салиха Садыковна - Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Зикрияева Тамара Рустамовна - Жиззах вилояти Жизззах туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Зукирова Нуриниса - Тошкент вилояти Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактабнинг математика ўқитувчиси

Йўлчиев Норматжон Маматович - Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги лицей-интернатининг директори

Касимова Надира Жамаловна - Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 46-мактабнинг кутубхона мудири

Латифжонов Козимжон - Андижон вилояти Андижон туманидаги 27-мактабнинг математика ўқитувчиси

Мамасидиков Хакимжон - Наманган вилояти Поп тумани халқ таълими бўлимининг фонд дарсликлари бўйича методисти

Мирсоатова Хафиза Абдуллаевна - Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Миртожиев Меливай - Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 14-мактабнинг география ўқитувчиси

Мурадова Маҳлуза Ғаниевна - Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 37-мактабнинг директори

Мухтаров Алламберган - Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 33-мактаб директорининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари

Набиходжаев Дилшод Ибрагимович - Андижон вилояти Избоскан ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежининг математика ўқитувчиси

Негматова Зулфия Саидовна - Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-мактабнинг расм ва чизмачилик ўқитувчиси

Нуралиев Нурмахмат - Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 70-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Однаматова Дилором Эргашевна - Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси

Орынбаев Куанышбай Конысбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 1-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси

Отабоева Ирода Фозиловна - Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Пайзимуродова Потимахон Тожиалиевна - Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 25-мактабнинг биология ўқитувчиси

Рахимова Мухтабар Каюмовна - Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 22-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Рахманов Шарофидин Хазратович - Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 34-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Рахманов Саид Ибрагимович - Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг француз тили ўқитувчиси

Рузиев Абдурашид - Қашқадарё вилояти Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика ва математика ўқитувчиси

Санакулов Камбар Батирович - Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 81-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Сафарова Гулнора Облаевна - Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 9-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Сейдалиева Ғенжегул Икмадуллаевна - Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 1-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Сузаков Рахмат Машрапович - Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 32-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Ташева Хонзода - Хоразм вилояти Боғот туманидаги 20-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ташбаев Бегназар Назарович - Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги иқтидорли болалар мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Тошмуротов Чори Турдиевич - Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Ёш техниклар ижодиёти марказининг тўгарак раҳбари

Туратов Басим - Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудирининг муовини

Турғунова Тошмома Турсуновна - Фарғона вилояти Қува туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатнинг тарих ўқитувчиси

Турдиева Жамила Сафаровна - Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 39-мактабнинг география ўқитувчиси

Турдиева Ниёзбуви - Жиззах вилояти Зомин тумани халқ таълими бўлимининг методисти

Турманова Перихан Абдижамаловна - Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 12-мактабнинг физика ўқитувчиси

Умурзакова Муборак Кодировна - Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 31-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Уралов Абдували Тургунович - Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Урмонов Жалолиддин Рустамович - Фарғона вилояти Данғара туманидаги 2-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Фузайилова Зайнаб Исроиловна - Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хайдаров Обиджон Вахобович - Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Хакимов Собир Джуракулович - Самарқанд вилояти Боғишамол туманидаги 9-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Халилова Турсуной - Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Хлынова Валентина Васильевна - Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Худайназарова Мукаддас Орзиматовна - Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна - Андижон вилояти Бўз туманидаги 15-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Худиярова Кызларгул Калбаевна - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 57-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Чориева Марзия Баймухаметовна - Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 14-мактабнинг биология ўқитувчиси

Эшанқулов Рахмон Саторович - Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 45-мактабнинг биология ўқитувчиси

Эшонқулова Боғсара Байрамовна - Бухоро вилояти Бухоро туманидаги «Қизил чиннигул» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Юлдашева Шохида Шакарзатовна - Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейининг инглиз тили ўқитувчиси

Юсупов Баҳриддин Абдиалимович - Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юсупова Раиса - Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 43-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси

Юсупходжаева Мукаддас Акбаровна - Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Қадырниязова Қатиша Бердиниязовна - Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 21-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Қодиров Маҳмарайим - Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлимининг методисти

Қосимова Манзурахон Ўктамовна - Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 24-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Қурбонов Эшмамат - Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 32-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Қўчқорова Бибиражаб Ибрагимовна - Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ҳасанов Сувар Жабборович - Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ҳақбердиева Матлюба Алимовна - Навоий вилояти Навоий туманидаги 3-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 сентябр

И.КАРИМОВ

«Пахта-2003»

ШЕРҚЎРҒОН ДАЛАЛАРИДА

Бугунги Шерқўрғон шаҳарчани эслатади. Бири иккинчисидан чиройли турар-жойлар, маишийсавдо хизмат кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ маркази ободонлашиб бораётганлигини кўрган ва бутун умри қурувчилик билан ўтган Махмуд ота деган оқсоқол қишлоқнинг кун ботиш тарафига ҳам чирой бағишлашга бел боғлади. Ҳозир бу ёқда ҳам ҳашар усулида қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Анча йиллардан бери фойдаланилмасдан ётган эски клуб таъмирланди. Бу ерда кутубхона, шоҳмот-шашка ва бошқа кўнгилочар ўйинлар очиляпти. Чойхона, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари, бир сўз билан ифодалаганда, гузар бунёд этиш ҳаракати кетяпти.

– Биз учун энг муҳими, қишлоғимизнинг мард ва танти, меҳнатдан толиқиш билмас кишиларининг ишдан бўш вақтларини қизиқарли ўтишлиги учун шароит яратиш, - дейди отахон. – Чунки туман маркази анча узоқ. Бу ишларни биз ҳашар усулида, хўжалик ва бошқа идоралардан кўмак олмасдан амалга оширяпмиз.

Қишлоқ ҳудудидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги раҳбари, ўзининг 35 йиллик умрини далалар кезиб ўтказган инсон Комилжон Солиев шундай дейди.

– Тонгда ишга кетиб хуфтонда уйга қайтишга одатланганман. Қаранг, ёш бир жойга етганда унамаслигимга қарамасдан раисликка сайлашди. Қишлоқдошларим далани қаричма-қарич биласиз, одамларни етти ёшдан етмиш ёшгача танийсиз, деб туриб олишди.

Комилжон хўжалик шароитини ўрганганлиги, ширин сўзлиги, меҳнаткашлиги орқасидан хўжаликда обрў-эътибор топган.

– Бу йил деҳқончиликда мавсум анча мураккаб келди, - дея давом этди раис. Баҳор чўзилганлиги, тўхтовсиз ёғингарчиликлар туфайли деҳқончилик 15-20 кун кечикди. Қаттиқ ишлашга тўғри келди. Меҳнат билан тош устида гул ундирса бўлади, деганларидек натижа чакки эмас. Олдинги йиллардагидан кам бўлмаган даражада ҳосил етиштиришга эришилди.

– Ишловчиларга вақтида ҳақ тўлаб бориляптими? – сўрадим ундан.

– Бизда бу борадаги аҳвол ёмонмас, - дея жавоб қайтарди суҳбатдошим. – Биз ишловчиларни пул бериш билан бир қаторда турмуш кечириш учун асқотадиган зарур воситалар билан таъминлаб борамиз. 406 гектар майдонда буғдой етиштириб, гектаридан 64 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Топшириққа қўшимча тайёрланган буғдойнинг анчасини тақсимлаб бердик. Шунингдек, ишловчиларга ёғ, ун, уй ҳайвонлари учун кунжара, шелуха бериб боришни йўлга қўйганмиз. Терим бошланганидан бери ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда.

Хўжалик бош ҳосилоти Ҳусанбой Маҳкамов билан дала айланамиз. Сахий куз қуёшининг олтинранг ёғдуси жилва қилаётган пахтазорларда ҳаёт қайнамоқда. Чаноқларда кўпириб тошиб турган момиқ пахтани кўрган кишининг беихтиёр этак боғлаб эгат оралагиси келади. Ҳозирдаёқ сурьат отига қамчи босаётган Нозимжон Аноров, Абдумутал Холмирзаев, Эркинжон Исоқов, Неъматжон Мирзаматовлар бошлиқ бригадаларнинг йиллик маррани бошқаларга қараганда барвақтроқ эгаллашга қодирликлари билиниб қолган. Уларда кунига йиллик шартномавий режага нисбатан 3-3,5 фоиз миқдорида пахта тайёрланяпти. Бизга хўжалик бошқаруви идорасида Мўътабар Турсунова, Анорхон Маҳкамова, Зумрад Маҳмудовалар кунига 150-200 кгдан ошириб пахта теришаётганликларини айтишди. Қайси бригадада бўлмайлик теримчилар ўзи учун зарур бўлган барча шарт-шароит муҳайёлигини кўрдик. Кўчма болалар боғчаси ишлаб турибди. Бепул тушлик ташкил этилган. Дастурхонга мевалардан тортиб тарвуз-қовунгача қўйиладди.

– Жамоа мавсумни иложи борича қисқа муддатларда тугаллашни, шартнома режасини октябр ойининг биринчи ўн кунлигида бажаришни мақсад қилган. Шунинг учун ҳозирги кунда бор куч ва имконият салкам 700 гектар майдонда етиштирилган пахтанинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга қаратилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда

ЯПОНИЯ ГРАНТИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН КОЛЛЕЖ

Физика фанига ихлоси баланд ўқувчидан адабиётдаги аруз вазни ҳақида чуқур билим талаб қилишнинг ўзи кулгили. Афсуски, ўрта мактабларимизда мустақилликкача бўлган даврда ана шундай ҳолатлар учраб турарди. Энг ачинарлиси, ўша талабга жавоб беролмаган ўқувчининг ўзлаштириши ва қизикишига қараб эмас, балки уни «билимсиз» сифатида «уч комбинат»ларга юборишарди. Бу ўқув юртларининг асосий вазифаси ёшларни мутахассисликларга тайёрлаш бўлмай, аксинча, кўп ҳолларда «ўқувчи планини бажариш»дан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Ана шу боис, юртимизда кадрлар масаласи, ёш мутахассислар соҳаларда етишмаслиги муаммолардан бирига айланганди.

Масалага шу жиҳатдан ёндошиладиган бўлса, мустақилликнинг илк кунидаёқ Президентимизнинг биринчи Фармонлари ўқитувчиларга, мактаблар аҳволини талаб даражасига келтиришга ва кадрлар масаласини шакллантиришга қаратилган. Бу шубҳасиз, халқимизнинг орзулари ушалишига имкон яратди.

Мана, ўн икки йилдирки, барча тармоқлар қаторида таълим тизими ҳам янгича – дунё талабларига жавоб берадиган даражада шаклланиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг амалда жорий этилганлиги соҳа ишини яхшилашга ҳамда ёш мутахассисларни замон талаби даражасида тарбиялаш имконини кенгайтирди.

Эндиликда амал қилиб келаётган қонун ва дастур асосида коллеж, лицей, гимназия каби илм ўчоқлари ёшларни ҳунарли ва чуқур билимли бўлишидаги асосий меъзонлардан бирига айланиб бораётир.

Наманган шаҳридаги «Агротадбиркорлик» коллежи ҳам «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, барпо этилган янги ўқув масканларидан бири. Айни пайтда бу ерда таҳсил олаётган талабалар бир неча йўналишлар – бухгалтерия, агрономия, молия каби мутахассисликлар бўйича сабоқ олишади.

Коллеж директори муовини Абдумажид Хўжаевнинг таъкидлашича, илмгоҳда талабаларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар етарли. 5 та лаборатория, лингафон ва компьютер хоналари, 25 гектарлик тажриба-ўқув участкаси, спорт иншоотлари улар хизматида.

Миллий таълимимизда бўлаётган ҳар бир жараён, ҳунарга ўргатишдан тортиб, мутахассислар тайёрлашгача дунё талабларига мослашаётгани эртанги кун янада яхши бўлишидан далолатдир.

Коллеж ёшларга таълим-тарбия бериб, ҳунар ўргатиш, уларни касбга йўналтириш ҳамда таълимни стандартлаштириш бўйича ўтган йил якунига кўра Япония грантини қўлга киритди. Энди бу илмгоҳни кун чиқар мамлакатидагилар ҳам яхши билишади. Тажриба алмашиб, фанлар бўйича ҳамкорлик қилишади.

Энг муҳими, коллеж маъмурияти талабаларни касбкор ва мутахассисликларга йўналтириб қолмасдан, уларни соғломлаштириш, жисмоний бақувват ва ҳар томонлама чиниқтиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келяпти. Бу ерда талабалар орасидан етишиб чиққан спорт усталари ва номзодлари жуда кўп. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирлар, мусобақалар уюштирилиб турилади. Вилоят ва республика доирасидаги тадбирларнинг аксарияти ана шу ерда ўтишининг ҳам боиси бор. Чунки коллеж спорт майдончалари, қишки ва ёзги сузиш ҳавзаси, замонавий стадионлар талаб даражасида.

Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Республика 4-спартакиадаси ҳам ана шу жойда бўлиб ўтганлиги фикримизнинг далилидир.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Жарқўрғон туманидаги «Шарқ Юлдузи» ширкат хўжалиги Боботоғ этакларида жойлашган бўлиб, унинг асосий майдони ўзлаштирилган ерлардир.

Жорий йил хўжалик миришкорлари 1042 гектар пахта майдонига «Оққўрғон-2» навини экиб, юқори ҳосил олиш ниятида меҳнат қилишмоқда.

Далада ҳосил мўл. Айни чоғда 106 оилавий пудратчи ва 2000 нафарга яқин теримчи хирмон юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Суратларда: пахта теримида

И.ХЎЖАЕВ
(ЎзА) олган суратлар

ТАДҚИҚОТГА АСОСЛАНГАН БОШҚАРУВ

Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Анжуман ташкилотчилари АҚШнинг USAID ва Урбан институтидир.

-"Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш" лойиҳаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларида амалга оширилмоқда,-деди Тошкентдаги Урбан институти мувофиқлаштирувчиси Фарруҳ Тўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. -Институтимиз шаҳар сиёсати соҳасидаги тадқиқотларга асосланган бошқарув масалаларига оид ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ўрганиш билан шуғулланади ҳамда халқаро ва давлат ташкилотлари томонидан молияланадиган турли лойиҳаларда иштирок этади. Мазкур лойиҳа институт томонидан тавсия қилинган бўлиб, унинг мақсади фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорлиги, масъуллиги ва ошкоралигини кучайтиришдан иборат. Шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкати ғоясини ривожлантиришга қаратилган. Уларда умумий мулкни бошқариш демократик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Уй-жой - инсон яшаши ҳамда фаолият юритиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бизда азалдан шарқона маданиятга асосланган маҳаллалар мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда мазкур лойиҳанинг "Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати" танлови Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўртасида ўтказилган эди. Танлов якуни бўйича бешта уй-жой мулкдорлар ширкати ғолиб деб топилди ва грантларга сазовор бўлишди.

Анжуманда Словакия уй-жой ширкатлари тажрибаси, уни Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича хорижий соҳа мутахассислари ўз тажрибаларини алмашишди. Лойиҳа эндиликда Самарқанд ва Наманган вилоятларида ҳам амалга оширилади.

ҚЎШКЎПИРДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Мавжуд бўш иш ўринларини ишчи кучи билан таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Куни кеча Қўшкўпир тумани марказида меҳнат биржаси, ҳокимлик ҳамда прокуратура билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уни ўтказишдан мақсад 29 та ташкилот, саноат қурилиши, фермер ва ширкат хўжаликларидаги бўш иш ўринларига ишлашга мойил инсонларни жалб этиш ва ишсизлар сонини камайтиришдир.

Ярмаркада 246 та ишчи ўрни таклиф этилиб, 216 нафар киши мурожаат этди. Шулардан 117 нафар киши иш билан таъминланди.

Б.ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбири

ТАДБИРКОРЛАР ГУЗАР ҚУРДИ

«Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида маҳаллаларда кенг миқёсда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилаётир. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил» маҳалласи аҳли ва тадбиркорларининг ана шундай саъй-ҳаракати натижасида бу ерда янги гузар қурилди.

Бу маҳаллада саккиз мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ташлаб қўйилган жой ўрнида барпо этилган «Абдужалилхон ота» гузари бунёд этилишида тадбиркор Илҳом Фозиловнинг улуши катта бўлди. Бу ерда ёзги-қишки тўйхона, маиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари, автомобилларни таъмирлаш устахонаси бор.

(ЎзА)

Саволингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

САВОЛ: амалдаги қонун ҳужжатлари тунги даврдаги иш вақтидан фойдаланишнинг қанақа хусусиятларини назарда тутади?

Д. КАМОЛОВ,
Зангиота тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси биринчи қисмига биноан соат 22 дан то соат 6 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Тунги вақтдаги ишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, тунги вақтда иш сменаси у ёки бу тоифадаги ходимлар учун белгилаб қўйилган иш вақти муддатига нисбатан камида бир соатга қисқартирилиши керак.

Эслатиб ўтиш жоизки, илгариги Меҳнат қонунларида тунги сменанинг қисқартирилган муддати амал қилган тақдирда ҳам иш ҳафтасининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати сақланишини талаб этарди. Шу сабабли иш сменаси жадваллари ҳар қандай ҳолларда ҳам ҳафтасига 40 соат ишланишини таъминлайдиган қилиб тузиларди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 122-моддаси иккинчи қисмига биноан тунги иш муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Буни иш вақтининг нормал муддати, шунингдек, қисқартирилган муддати билан ишловчилар учун ҳисобга олинадиган у ёки бу даврдаги иш вақти меъёри ҳисобини чиқаришда инобатга олиш шарт. Демак, иш ҳафтаси ёки бошқа календар даврининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормал ёки қисқартирилган муддати мазкур ходим ҳисобга олинадиган муайян даврда иш сменаси (иш) жадвалига биноан тунги вақтда қанча смена ишлаб бериши керак бўлса, роппа-роса шунча соатга камайтирилмоғи лозим.

Масалан, оддий шароитларда ишловчилар учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ойлик меъёр 174 соат, иш сменаси жадвалига биноан ходим тунги сменадан олтитасида ишлаши керак. Бундай сменадаги иш муддати, маълумки, кундузги ва кечки сменага нисбатан бир соат қисқартирилган бўлади. Шу ходим учун бундай тартибдаги мазкур ойдаги иш вақти меъёри 168 соат (174-6) бўлади.

Корхонада тунги иш муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги иш муддатига тенглаштирилган ҳолларда иш вақти меъёри ходим тунги сменадан нечтасида ишлаган бўлса ҳам юқорида айтиб ўтилган тартибда қисқартирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 122-моддасининг учинчи қисмида тунги иш муддатини кундузги иш муддатига тенглаштириш мумкин бўладиган фақат иккита ҳолат келтирилган,холос. Хусусан, бундай қилишга ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда ҳамда бир кун дам олинган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишлаётган жойларда йўл қўйилади.

Демак, Меҳнат Кодекси тунги иш муддати кундузги иш муддатига бошқа ҳолларда ҳам тенглаштирилишига йўл қўяди. Бироқ бундан иш берувчи ўзи лозим топган ҳар қандай пайтда тунги иш вақтини кундузги иш вақтига тенглаштира бериши мумкин экан-да, деган хулосага бормаслик лозим. Эслатиб ўтиш жоизки, ички меҳнат тартиби қоидалари, иш сменаси жадваллари иш берувчи томонидан якка тартибда эмас, балки ходимларнинг вакиллик органи билан келишув асосида тасдиқланади. Бундан ташқари, тунги иш сменаси кундузгисига «ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур ҳолларда»гина тенглаштирилиши мумкин. Агар низо келиб чиқса иш берувчи тунги смена айни шу сабабдан кундузги сменага тенглаштирилганлигига ишончли, асосли далиллар тақдим эта олмаса, бундай тенглаштириш ҳаққоний эмас деб, тунги вақтда ишланган иш соатлари эса иш вақтидан ташқари, бажарилган иш деб топилади.

Қолаверса, Меҳнат Кодексининг 122-моддасига биноан тунги иш муддати ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам кундузги иш муддатига тенглаштирилиши мумкин. Тунги вақтдаги ишларни бажариш учун қабул қилинадиган ходимлар, (тунги қоровул, сантехник, электрчи ёки корхонага тунги вақтдаги навбатчиликка қабул қилинадиган бошқа мутахассисликлар ва шу кабилар) бунга мисол бўла олади. Бундай ҳолларда тунги иш сменаси муддати қисқартирилмайди,негаки юқорида зикр этиб ўтилган ва уларга ўхшаш иш жойлари айни тунги вақт мобайнида корхонадаги ёрдамчи ишларни бажариш учун махсус барпо этилган.

Қонун барчага баробар

НАФС БАНДАЛАРИ

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Зеро, республикамизда тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолият юритишлари тегишли меъёрий қонун ҳужжатлари доирасида тўлиқ кафолатланган. Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмагани каби айрим ҳолларда қонун талабларини четлаб ўтаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига ҳам дуч келинмоқда.

Янгийўл тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Таъкидлаш ўринлики, ўтказилаётган тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Натижада шу нарса аён бўлмоқдаки, ҳамон баъзи бир «тадбиркорлар» ўз манфаатларини эл-юрт манфаатларидан устун билиб, хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар, товар моддий бойликларини қонунга хилоф равишда республикамизга олиб келишга уринишмоқда.

Масалан, туманнинг Халқобод, Навоий ва Бобур номли ширкат хўжаликлари ҳудудларида олиб борилган тезкор тадбирлар давомида фуқаролар Ҳуснидин Бўтаев ва Абдуқаҳҳор Эшпўлатовлар қўшни Қозоғистон республикасидан 5 миллион сўмликдан ортиқ ҳеч қандай ҳужжатсиз маҳсулотларни олиб келишаётганлиги аниқланди. Қарангки, улар божхона назорат масканларини четлаб, турли айланма йўллар орқали юришни «маъқул» кўришган. Шунингдек, туманда яшовчи Хайрулла Қурбонов ва Бахтиёр Қиличевлар ҳам ана шундай кимсалар хилидан экан. Улар ноқонуний йўл билан мўмай даромад эгаси бўлиш мақсадида ҳеч жойда рўйхатдан ўтказилмаган, акциз маркаси бўлмаган 36 миллион 250 минг сўмлик «Pine» сигаретларини олиб келишаётганларида тузоққа илиндилар. Умуман, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 59 та турли кўринишдаги қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 60 миллион 487 минг сўмлик товар моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Юқоридаги каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бу шуни англатадики, мўмай даромад илинжида амалга оширилган ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи, албатта чиқади. Зеро, қонун барча учун баробардир.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири

«МУРУВВАТ УЙИ» мурувватсизликка мубтало бўлди

Фельетон ўрнида

Ким билади, агар Салим Эрназаров Қоракўл туманидаги «Мурувват уйи»га директор бўлиб келган кунидан бошлаб, бу ерда содир этилган қонунсизликларни бартараф этишга киришмаганида, «ёпиғлик қозон» ёпиғлигича қолиб кетаверар, «Мурувват уйи»ни мурувватсизлик маконига айлантирганларнинг ошиғи олчилигича қолиб, балки у ўз бошига ҳам унчамунча ғавғолар орттирмасмиди? Начора, у ўз ихтиёри билан шу йўлни танлади. Бир пайтлар «Мурувват уйи» ҳисобида бўлган 36 гектар ернинг қандай қилиб «Мирзабек-А» фермер хўжалигига ўтиб кетганлиги билан қизиқиб колди.

Жумбоқмисан жумбоқ экан-да ўзиям. Гарчи, Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳайъатининг республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларни маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори доирасида қабул қилинган тизимда амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги қарорида «саҳоват», «мурувват» уйларидаги мавжуд ёрдамчи хўжаликлардан унумли фойдаланиш мақсадида уларда оила пудрати жорий этилсин, деб аниқ-тиниқ кўрсатилган бўлса-да, Қоракўлда бу бўлакча талқин қилинди. «Мурувват уйи» маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг 2000 йил 16 июндаги қўшма йиғилиши 13-баённомасида «Йўл ва ариқлар билан банд бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар «Мирзабек-А» фермер хўжалигига берилсин» деган ғалати қарор қабул қилинди.

Қизиқ, ҳукумат қарорида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида ёрдамчи хўжаликлардан унумли ва мақсадли фойдаланиш ҳақида вазифа қўйилаяптию, бу ерда эса амалда «Мурувват уйи» ана шу таянчдан маҳрум этилмоқда. Янаям ажабланарлиси, 16 июндаги қўшма йиғилишга бир йўла иккита баённома тузилди. Улардан бирида юқорида қайд этилган қарор қабул қилиниб, йиғилишда 116 кишидан 84 нафари қатнашгани қайд қилинди. Иккинчисида, «Мурувват уйи» ходимларининг 121 тасидан 87 таси иштирок этди, унинг тасарруфида бўлган ёрдамчи хўжалик «2000 йил 15 апрел кунидан деҳқон-фермер хўжалиги ҳисобига ўтишлиги юқори ташкилотлардан сўралсин» дейилди. Баённоманинг бири ёзув машинкасида, иккинчиси компьютерда ёзилди. Комьютерда ёзилгани мукаммалроқ, деб топилган шекилли, шу асосда Қоракўл туман ҳокимининг «Мурувват уйи» ёрдамчи хўжалиги ерларини тўғридан-тўғри «Мирзабек-А» фермер хўжалигига олиб бериш тўғрисида 2000 йил 30 июндаги 396 сонли қарори чиқарилди. Лоақал ерни аввал тегишли хўжалик балансига қайтариш, сўнгра уни умумий йиғилиш қарори билан фермер хўжалиги ҳисобига ўтказишни ҳам лозим топишмади.

Салим Эрназаровнинг куйинганича бор экан. «Мурувват уйи»да бундай қонунсизликлар, талон-торож илгаридан содир этиб келинган. Буни Олот туман судининг собиқ директор У.Холлиев ва унинг ҳамтовоқлари устидан чиқарган 2001 йил 3 мартдаги ва 3 июлдаги ҳукмлари ҳамда Пешку туман судида улар томонидан содир этилган жиноятга берилган баҳо ҳам кўрсатиб турибди. Шикоятда қайд этилишича, «Мурувват уйи»га тегишли ёрдамчи хўжаликда 1986 йилдан Ҳасан Эрназаров ферма мудири бўлиб ишлаган. У пенсияга чиққандан сўнг бу вазифани унинг ўғли Дониёр Эрназаров давом эттирган. Ёрдамчи хўжалик фермер хўжалиги ҳисобига олиб берилган кундан 16 бош қорамолни «И.И.Иброҳим» фирмасига бериб юборганлар. 38 бош майда мол ҳақида ҳам шу кундан эътиборан ҳисобот бериш тўхтатилган. Ёрдамчи хўжалик ҳисобида 20 та ҳар хил ўлчамдаги бинолар бўлган. Буни 1991 йилда БТИ томонидан ўтказилган инвентаризация ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Бу бинолардан ҳозирги кунда еттитасигина сақланган. Қолганлари бузилиб, қурилиш материаллари Ҳ.Эрназаров ва Д.Эрназаровлар томонидан ўзлаштириб юборилган.

«Мурувват уйи» маъмурияти вилоят хўжалик судига берган даъво аризасида туман ҳокимининг 396-қарори ҳамда «Мурувват уйи» маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг 13-қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради. Бухоро вилоят хўжалик судининг (Б.Сайфуллаев раислигида) чиқарган ҳал қилув қарорида туман ҳокими қарорининг 1-бандидаги йиғилиш баённомасини тасдиқлаш қисмигина ҳақиқий эмас, деб топилди, холос. Бухоро вилоят прокуратураси томонидан хўжалик судининг мазкур ҳал қилув қарорига келтирилган протестда қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янгидан судда кўриб чиқишга юбориш лозимлиги айтилди: «Хўжалик судининг ҳал қилув қарорида Қоракўл туман ҳокимлигига «Мурувват уйи» томонидан тақдим этилган 2000 йил 19 июн кунидаги 57-хат асос қилиниб, ушбу ҳолатни ердан ихтиёрий воз кечиш деб баҳоланган ва суд томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолати ўрганилмасдан шу асослар билан даъвонинг «Мурувват уйи»га тегишли майдонларини «Мирзабек-А» фермер хўжалигига олиб бериш тўғрисидаги қисми рад этилган холос. Ҳолбуки, иш ҳужжатларидан кўринишича, «Мурувват уйи» директори (собиқ) У.Холлиев томонидан туман ҳокимлигига тақдим этилган барча ҳужжатлар, шу жумладан суд томонидан асос қилиб олинган 2000 йил 19 июн кунидаги 57-хат ҳам икки хил матнда тайёрланиб, мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳар хил бўлса-да, суд томонидан айнан қайси бири асос қилиб олинганлиги кўрсатилмаган. Ваҳоланки, «Мурувват уйи» Уставининг 132-моддасида унинг балансида бўлган бино-иншоотлар, мол-мулклар ёрдамчи хўжалик ҳисобида бўлган ер майдонларини бегоналаштириш Бухоро вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг розилиги билан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, собиқ директор У.Холлиевга ижтимоий таъминот бошқармаси розилигисиз «Мурувват уйи» ёрдамчи хўжалиги ерларини қайтариб олиш ҳақида туман ҳокимлигига мурожаат қилиш ваколати берилмаган.

Булардан ташқари, гарчи судга тақдим қилинган ҳужжатлардан, жумладан, 2000 йил 23 июн кунидаги далолатномада кўринишича, «Мирзабек-А» фермер хўжалигига «Мурувват уйи» ёрдамчи хўжалиги ерларидан 36 га ер майдони, шундан 30 га экинзор ер, 6 гектари йўл, ариқ, бино ва иншоотлар (дала шийпони 14 млн 500 минг сўмлик, чўчқахона 11 млн 9 минг сўмлик, молхона 14 млн 3 минг сўмлик) эгаллаб турган ер майдони олиб берилган ва ушбу ҳолат тегишли тартибда комиссия томонидан расмийлаштирилган бўлса-да, ушбу ҳужжатга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, суд ишдаги мавжуд далиллар билан чекланмасдан, ишда иштирок этувчи шахслардан қўшимча далиллар тақдим этишни талаб қилмасдан даъвонинг ушбу қисмини рад этиб барвақт хулосага келган».

Лекин барибир адолат тантана қилмай қолмайди. Бухоро вилоят аппеляция босқич суди шу йил 14 мартдаги йиғилишида ишни адолат тарозисида қайта баҳолаб, аппеляция шикояти ва прокурор протестини қаноатлантирди. Ҳатто республика Олий Хўжалик Суди судлов ҳайъати 2000 йил 21 майдаги қарорида вилоят хўжалик суди қарорини ўзгаришсиз қолдирди ҳамда «қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас» деб топди. Бироқ орадан кўп ўтмай, шу йилнинг 14 июнида Олий Хўжалик Суди раиси ўринбосари Ш.Рўзиназаров, 29 июлда раис биринчи ўринбосари Н.Ахмоновлар имзолаган бир хил матндаги хатларда қарор ижроси назорат тартибида иш ўрганиб чиқилгунга қадар тўхтатиб турилиши маълум қилинди. «Мурувват уйи»дагилар яна бош қашлаб қолишиб. Буни қандай тушуниш керак? Олий кассация инстанцияси «қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас» деб турсаю бу ёқда ижро бир эмас, икки маротаба тўхтатилса. Бундан чиқди, қарор бекор қилиниб, мавжуд қонунларни четлаб ўтилиб, ер «Мурувват уйи»дан тортиб олганлар қўлида қолавериши ҳам мумкин экан-да. Ахир, бу мавжуд қонунларга ҳурматсизлик, қолаверса «Мурувват уйи»га мурувватсизлик саналмайдими?

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

АҚШдан ХАТ КЕЛДИ

Ифтихор

Юртдошларимиз нуфузли спорт мусобака ва чемпионатларида юксак муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани самарасидир. Спортчиларимизнинг халқаро майдондаги зафарларидан нафақат ҳамюртларимиз, балки дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ватандошларимиз қалби ҳам фахру ифтихорга тўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан хабар беришларича, АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиздан яқинда Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбек полвонларининг муваффақиятли иштирокидан таъсирланиб битилган мактуб келди.

«Биз АҚШда яшаётган ўзбекларнинг ватандошларимиз Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов ғалабаси шарафига Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграб, миллий байроғи сарбаланд бўлганида қалбимиз чексиз ифтихорга тўлди, - дейилади бир гуруҳ туркистонликлар номидан Муҳаммад Саййид йўллаган мактубда. -Ватанга муҳаббатимиз янада ортди. Дунёда Ўзбекистон қудрати юксалиб бораётганидан беҳад шодландик».

Дарҳақиқат, эркин кураш бўйича ўттиз бешинчи марта ўтказилган жаҳон чемпионатида вакилларимиз мисли кўрилмаган натижани қайд этишди. Шу пайтга қадар терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медал насиб этмаган эди. АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида Д.Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограмгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлди.

Терма жамоамиз вакили Дамир Захардинов эса 5-ўринни эгаллаб, келаси йили Грециянинг Афина шаҳрида ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎзА)

Жонкуярларимиз

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ

Урганч шаҳар 15-сонли мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб юрган Шуҳрат Ваисов 1-сон спорт мактабига директорликка тайинлашганда ҳеч ким ажабланмади. Чунки у ўз фаолиятини айнан шу ерда волейбол бўйича мураббийликдан бошлаган эди. Шуҳрат ака ташкил қилган волейбол командаси турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб эл оғзига тушди.



Янги лавозим катта масъулиятни ҳам юклар эди. Шуҳрат асосий эътиборини мактабдаги таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратди. Олиб борилаётган амалий машғулотларга мазмун киритди. Натижа эса кейинроқ кўзга ташланди. Мактаб ўқувчилари орасида республика мусобақаларида қатнашувчилар сони кўпая бошлади. Ҳатто уч нафар чемпион ҳам етишиб чиқди.

1990 йилда Шуҳрат Ваисовни «Жайҳун» футбол клуби раислигига сайлашди. Энди у бутун билими ва маҳоратини Хоразм футболини юксалтиришга сарфлашга киришди. Ўсмирлар ўртасида истиқболли ёшларни танлаб, улар билан машғулотлар олиб борди. Айни пайтда Ш.Ваисов «Динамо» футбол жамоасини ҳам бошқаришни ўз зиммасига олди. Қисқа давр ичида жамоа шаклланиб, биринчи лига мусобақаларида муваффақиятли қатнаша бошлади. Ниҳоят кутилган натижага эришилди. 1995 йилда «Динамо» жамоаси республика мусобақаларида ғолиб чиқиб, олий лигага ўтди.

Тажрибали мутахассиснинг «совчи»си ҳам кўп бўлади. 1996 йилда уни 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбар қилиб тайинлашди. Бу жамоада ҳам қисқа фурсат ичида таълим-тарбия ва спорт ишлари жонланиб кетди. У раҳбар бўлиб келганда фақат футбол командаси фаолият олиб бораётган эди. Аста-секин уларнинг қаторига волейбол, баскетбол, теннис, қўл тўпи, енгил атлетика турлари бўйича жамоалар қўшилди.

2003 йил «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг Хоразмда ўтказилиши муносабати билан қизғин тайёргарлик кўрила бошланди. Шу баҳонада Урганч шаҳар 2-сон спорт мактаби ҳам ўзгача қиёфа касб этди. Ниҳоят кутилган спорт мусобақалари бошланди. Шуҳрат Ваисов мураббийлик қилган вилоят волейбол жамоаси «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида фахрли иккинчи ўринни забт этган бўса, шу мактабнинг ўқитувчиси Вали Султонов мураббийлик қилган футбол жамоаси биринчи ўринни, Олег Цой мураббийлик қилган баскетбол жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Улкан спорт мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритган 16 нафар қизбола спорт усталигига номзод бўлди. 18 ўғлон эса спорт устаси унвони соҳибига айланди. Кези келганда айтиш жоизки, мактабни тамомлаган собиқ ўқувчилар республиканинг турли жамоаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар. «Металлург» Бекобод, «Нефтчи» Фарғона жамоаларида мактабнинг собиқ ўқувчилари тўп сурмоқдалар.

Ўтган йил Ш.Ваисов мактабини тамомлаган Ғайрат Шихов ва Жасур Тожимовлар бу йил Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия олийгоҳига тест синовларисиз ўқишга қабул қилинишмоқда. Улар айни пайтда Ўзбекистон ёшлари терма жамоасининг аъзоларидир.

Шуҳрат Ваисов Хоразмда спортни яхшилашга қўшган ҳиссаси учун Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Олот - дўппидеккина, бир томони Туркманистонга, иккинчи томони Қашқадарёга туташган туман. Ана шундай чекка бир туман болаларининг аксарияти курашга меҳр қўйган. Уларнинг барчаси, Рустам Тўраевга шогирд тушсам, дейди. Рустам аканинг шогирдлари эса аллақачон жаҳон кураш майдонларини забт этган.

Рустам акани йигирма йилдан бери танийман. Олотдаги 4-ҳунар-техника билим юртида жисмоний тарбиядан дарс берарди. Курашга ишқибоз эди. Қашқадарё-ю Сурхондарё, Хоразму Бухоро, водий вилоятлари, хатто Тожикистону Туркманистонда унинг курагини ерга текиза олганлар бўлмаган.

РУСТАМ ТЎРАЕВНИНГ ШОГИРДЛАРИ жаҳон спорт майдонларида олқиш олмоқда

Ана шу инсоннинг тиниб-тинчимаслиги, елибюгуришлари туфайли 1995 йилда Олот тумани марказида 7-олимпия спорт мактаб-интернати ташкил қилинди. Танлаб-танлаб олинган эллик нафар чайир ва чапдаст болалар машғулотларни бошлаб юборишди.

Орадан саккиз йил ўтди. Спорт мактаб-интернати тарбияланувчилари қандай марраларни эгаллагани ҳақида сарҳисобга ўрин берилса арзийди. Шу даврда Рустам Тўраевнинг шогирдлари республика мусобақаларида 67 олтин, 58 кумуш ва 85 бронза медалини қўлга киритди. Алишер Курезов, Малик Қодиров, Акобир Туробов, Ҳикмат Куртов Россиянинг Тверь шаҳрида ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатидан олтин медал билан қайтишди. Рамзиддин Саидов эса Ереванда ўтган жаҳон чемпионатида фахрли иккинчи ўринни эгаллади, кейинроқ эса Ҳиндистонда Осиё чемпиони бўлди. Шу даврда етти спорт устаси, етмиш спорт усталигига номзод, юз нафардан зиёд биринчи разрядли курашчи тайёрланди. Битирувчиларнинг деярли барчаси олий ўқув юртларининг спорт ва жисмоний тарбия факультетларига имтиёзли қабул қилинишмоқдаки, Рустам ака бу билан ҳам ҳақли равишда фахрланади.

Рустам Тўраев мактаби республикада таниқли. Буни Андижон, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Фарғона вилоятларидан келиб кураш сирларини ўрганаётган шогирдларидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийси, 2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Рустам Тўраев ўз шогирдларининг қитъа, жаҳон чемпионатларида, халқаро Олимпиада турнирларида ҳали айтар сўзлари борлигига қаттиқ ишонади. Бундай ишончни оқлаган шогирдлари - жаҳон чемпиони Камол Муродов, бир неча марта Осиё чемпиони, халқаро Олимпиада совриндори, жаҳон чемпионати кумуш медаль соҳиби Фарҳод Тўраевдай бўлиш бугун спорт мактаби кураш гиламида атак-чечак қилаётган болаларнинг энг эзгу орзуларидир.

(ЎзА)

Теннис



КУЦЕНКО - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Пойтахтимизда 21 сентябрь куни бошланган Осиё чемпионати якунланди. Юртимизда иккинчи бор ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган элликдан зиёд теннисчи Осиё чемпионлиги учун курашди. Бир ҳафта давом этган беллашувларда Ўзбекистон ва Хитой Тайпейи теннисчилари маҳорат, тажриба бобида бошқа мамлакат вакилларидан устун эканини исботлади.

Эркаклар ўртасида кечган яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Вадим Куценко ажойиб ўйин намойиш этди. У финалгача А.Шахголий /Эрон/, Х.Манкад /Ҳиндистон/ ва Ю Тзю Ванг /Хитой Тайпейи/ каби маҳоратли теннисчиларни ортда қолдирди. Вадим финалда Қозоғистоннинг биринчи ракеткаси Алексей Кедриюк билан куч синашди.

Ҳар икки теннисчи учун учрашувнинг биринчи сети ниҳоятда аҳамиятли эди. Вадим «агар биринчи сетда ғалаба қозонсам, марра меники», деган эди журналистларга берган интервьюсида. Лекин бу ишни амалга ошириш унга осон кечмади. Беллашувнинг биринчи сетида А.Кедриюк ўзининг кучли тўп узатишлари билан ҳамюртимизни анча мушкул аҳволга солиб қўйди. Бироқ тажриба ўз сўзини айтди, қоларса, мухлислар... В.Куценко биринчи сетда 7:6 ҳисобида устун келди. Иккинчи сетда янада чиройли ва ишончли ўйин намойиш этган ҳамюртимиз 6:2 ҳисобида зафар қучиб, Осиё чемпиони бўлди.

Аёллар ўртасидаги финал учрашуви Хитой Тайпейи вакиллари -Чиа Жунг Чуанг ва Чен Вей Чан иштирокида кечди. Ўйин давомида Ч.Ж.Чуанг рақибасидан анча кучли экани кўриниб турди. Учрашувда бир хил 6:4, 6:4 ҳисобида ғалабага эришган Ч.Ж.Чуанг қитъа чемпионлигига эришди.

Жуфтлик баҳслари ўзбекистонлик теннисчилар иштирокида бўлди. Эркаклар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда вакилларимиз В.Куценко ва О.Огородов жуфтлиги А.Кедриюк /Қозоғистон/ ҳамда А.Курейший /Покистон/ билан куч синашди. Беллашувда омад А.Кедриюк ва А.Курейший жуфтлигига кулиб боқди - 6:4, 6:4.

Аёллар жуфтлиги беллашувларида эса О.Омонмуродова билан И.Исроилова биргаликда турнирнинг энг кучли теннисчиларидан ҳисобланган Хитой Тайпейи вакиллари - Чиа Жунг Чуанг ҳамда Чен Вей Чанга қарши кортга тушди. Кескин ва муросасиз кечган финал ўйинининг биринчи сетида 6:2 ҳисобида ғалаба қозонган ҳамюртларимиз, кейинги сетда имкониятни бой берди - 4:6. Ниҳоят, ҳал қилувчи учинчи сетда О.Омонмуродова ва И.Исроилова зафар қучди - 6:4.

- Икки йилдан буён теннис бўйича Осиё чемпионати гўзал Тошкент шаҳрида ўтмоқда, - деди чемпионатнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Халқаро теннис федерацияси президенти Франческо Риччи-Битти. - Бундай мусобақаларда ташкилотчилик муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда спортга, хусусан, теннисни ривожлантиришга мамлакат Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бугун ниҳоялаган чемпионат натижалари ҳам буни исботламоқда. Ўзбекистон ҳақли равишда теннис мамлакатига айланди.

Тадбирда теннис бўйича 31 маротаба ўтказилган Осиё чемпионати якка баҳслари ғолиблари - Вадим Куценко /Ўзбекистон/ ва Чиа Жунг Чуангга (Хитой Тайпейи) келгуси йилнинг январ ойида бўладиган «Катта дубулға» туркумига кирувчи тўртта энг йирик мусобақадан бири - Австралия очиқ чемпионати асосий турида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган «wild card» топширилди.

(ЎзА)

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛА МАЙДОНИ

Олмаликликлар азалдан ҳашарсевар эл. Яқинда шаҳардаги Усмон Юсупов номли маҳалла қўмитаси ташаббуси билан ёшлар учун ҳашар йўли билан спорт майдончаси қуриб берилди. Эндиликда ёш авлод футбол, мини футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика бўйича машғулотлар ҳамда мусобақалар ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Улар савобли ишга бош қўшган маҳалла аҳли, қоларса, хусусий, кичик корхоналар эгаларидан чексиз миннатдор. Ҳомийлар томонидан йиғилган 460 минг сўмлик маблағ ускуналар ва жиҳозлар сотиб олишга сарфланди.

Шаҳарда спортни ривожлантиришга доимо жиддий аҳамият бериб келинмоқда. Бугунги кунда мавжуд 41 та маҳалланинг ҳаммаси спорт майдонларига эга. Шаҳар миқёсида эса 2 та стадион мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, 33 та спорт зали, 18 та теннис корти ва 5 та сузиш ҳавзаси катта-ю-кичиккинг спорт билан ошно бўлишида етарли хизмат кўрсатмоқда.

Ҳукуматимизнинг болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги қарори мутасадди раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклади. Шунга асосан 3 та спорт зали капитал таъмирланди. Шунингдек, яна 2 та спорт залини таъмирлаш лойиҳаси тайёрланди. Спорт майдонлари ҳашар йўли билан тартибга келтирилди. Спортнинг 29 та тури билан шуғулланаётган 10 минг 30 нафар спорт ишқибозининг ярми мактаб ёшидаги болаларни ташкил этади. Уларга маҳорат сирларини ўргатишда 168 нафар мураббийнинг хизмати катта бўлаяпти. Мураббийларнинг кўпчилиги спорт турлари бўйича юқори малака эгалари ҳисобланишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Владимир Башкиров, халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё ўйинлари чемпиони Алан Жоев ва 33 нафар спорт устаси, 170 нафар спорт усталигига номзод мураббий болалар спортини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилиб келаяптилар.

Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган ёшлар ҳам юқори натижаларга эришиб, вилоят, республика миқёсида танилиб бормоқдалар. Теннис бўйича Ўзбекистон чемпиони Салия Хаирова ва юқори муваффақиятларни қўлга киритган Дилдора Раҳимова, Жаҳонгир Ҳайдаров ҳам Олмалиқ шаҳрида камол топган. Спортчиларнинг юқори натижаларга эришишларида Олмалиқ шаҳрида бир неча бор ўтказилган мамлакат миқёсидаги мусобақалар, спартакиадалар ҳам катта замин яратяпти.

Олмалиқ шаҳрида жойлашган 53 та ўрта мактаб, 3 та спорт мактабларининг ҳаммасида олий маълумотли, спорт усталигига номзод бўлган спортчилар ўз маҳоратларини белгиланган дарс соатлари ва тўгараклар орқали ёшларга ўргатмоқдалар ҳамда болаларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларида маҳалла спорт майдонларида ҳам мураббийлик қилиб бораяптилар. Бундай ташкилотчилик ишлари бошида фаолият юритаётган болалар спортини ривожлантириш Олмалиқ шаҳар бўлими ҳам асосий эътиборни маҳаллаларда ташкилотчилик ишларини ривожлантиришга қаратмоқда.

- Ҳамма ишларимиз, - деди бош мутахассис Сарвар Саидазимов, — маблағ билан боғлиқ бўлаяпти. Ҳозиргача бизга ажратилган 4 миллион 974 минг сўм маблағ фақат ускуналар, спорт формалари олиш учун сарфланди. Ҳали яна кўплаб маблағ керак. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими юқори ташкилотимиз сифатида янада кўпроқ эътибор қаратишини истар эдик.

Т.ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

НАМАНГАНЛИК ЧАВАНДОЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Вилоятда спортнинг кўпгина турлари қатори чавандозлик ҳам тез ривожланиб бормоқда. Бу эса наманганлик чавандозларнинг бу соҳа бўйича халқаро беллашувларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминламоқда.

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида от спорти бўйича Марказий Осиё мамлакатлари кубоги ва чемпионати мусобақалари ҳам буни тасдиқлади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларидан келган таниқли чавандозлар сафида Наманган вилояти вакили Сергей Шмелёв мамлакатимиз терма жамоаси таркибида иштирок этиб, ажойиб ғалабага эришди. Сергей «Ганга» лақабли тулпори билан пойгага чиқиб, Осиё кубогининг конкурс баҳсида мукофотли иккинчи ўринни банд этди.

Шунингдек, С.Шмелёв Марказий Осиё чемпионати баҳсларида янада муваффақиятли қатнашди. У шахсий биринчиликда битта олтин, битта кумуш медални қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси ҳисобида мукофотли иккинчи ўринни эгаллашга муносиб ҳисса қўшди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ФЕРУЗБЕКНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Термиз шаҳридаги ўқувчилар саройининг спорт тўгараги аъзоси, 11 ёшли Ферузбек Тўраев ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Афинада бўлиб ўтган каратэ бўйича жаҳон кубоги баҳсларида олтин медаль соҳиби бўлди. Мусобақаларда ўттиз бир мамлакатдан олти юздан зиёд спортчи иштирок этган эди. Дунё спорт майдонида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган Ферузбекдек тарбияланувчиси борлигидан ўқувчилар саройининг бутун жамоаси фахрланади.

Бу ўқувчилар саройининг спорт соҳасидаги ютуқларидан бири. Саройда фаолият кўрсатаётган бадиий нафосат, саломатлик ва спорт, экология ва гулчилик, халқ амалий санъати, хорижий тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлиги билан боғлиқ йигирма саккиз тўгаракда 1 минг 547 нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда. Улар билан 32 нафар педагог ва тўгарак раҳбари машғулот ўтказади.

Яқинда ўқувчилар саройи муҳташам замонавий бинога кўчиб ўтди.

(ЎзА)

Футбол

ҒАЛАБА БАРЧАГА КЕРАК

Биз «Интерфутбол» рукни остида телевидение орқали кўп бор гувох бўлганмиз: Милан «дерби»си – «Интер» ва «Милан» жамоалари ўртасидаги матч ҳамиша муросасиз кечади. Куни кеча шундай баҳснинг бевосита томошабинига айландик. Миллий чемпионатимизнинг 25-турида икки пойтахт клуби – «Трактор» ва «Пахтакор» ўзаро куч синашдилар.

Аввалдан кутилганидек ўйин чемпионат карвонбошисининг фойдасига ҳал бўлди. 51-дақиқада Т.Копадзе томонидан амалга оширилган ягона гол «Пахтакор»нинг навбатдаги ғалабасию, «Трактор»нинг навбатдаги мағлубиятини таъминлади. Лекин эътироф этиш жоизки, бутун учрашув мобайнида тенгма-тенг кураш борди. Мухлислар «Трактор» ўзига хос услубга эга бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қилишди. Лекин барибир майдонда кучлар тенг эмас эди ва бу охир-оқибат ўз натижасини берди.

Яна бир муросасиз баҳс Қаршида бўлиб ўтди. Бронза медали учун астойдил кураш олиб бораётган «Насаф» учун ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Бироқ олтинчи поғонани ўзиники қилиб олган, на юқорига ва на қуйига тушиб кетиш хавфи бўлмаган «Машъал» сира бўш келмаганини таъкидлашни истардик. Кўпчилик кутган «келишув»ни биз кўрмадик. Бу – жуда қувончли ҳолдир. Демак, ҳақиқий профессионализм жамоаларимизда аста-секинлик билан бўлса-да, таркиб топмоқда. Зеро, учрашув 3:1 ҳисобида «Насаф» ютуғи билан якун топганига қарамай, «Машъал» ўйинчилари ҳам майдонни бошларини тик тутганча тарк этдилар.

Учинчи ўрин учун баҳс тобора қизғин тус олмоқда. Бу, айниқса, «Навбаҳор» ўз майдонида «Дўстлик»ни қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ишончли зафар қучганию, «Андижон» меҳмони бўлган «Қизилқум» 2:3 ҳисобида ўйинни бой бергач, зиддиятли кўринишга эга бўлди. Агар кейинги турда «Навбаҳор» ва «Насаф» сафарда, «Қизилқум» эса ўз уйида тўп суришини назарда тутадиган бўлсак, аҳвол янада жиддийлашишини кутиш мумкин.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро»-«Металлург» – 4:0, «Қўқон-1912» – «Гулистон» - 2:0, «Нефтчи»-«Цементчи» - 3:2, «Самарқанд -Д»-«Сурхон» - 3:0.

Бугун «Пахтакор» командаси Термизда «Сурхон» меҳмони бўлади. 18-турнинг ушбу кечиктирилган ўйини ҳам ғоят қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Ёдингизда бўлса, биллур кубок учун ўтказилган учрашувда айнан «Сурхон» чемпионни 2:1 ҳисобида мағлуб этган эди.

25–турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т–Н	О
1.«Пахтакор»	**24**	**22**	**2**	**0**	**76-18**	**68**
2.«Нефтчи»	**25**	**20**	**1**	**4**	**70-30**	**61**
3.«Қизилқум»	**25**	**15**	**3**	**7**	**50-25**	**48**
4.«Насаф»	25	15	3	7	49-35	48
5.«Навбаҳор»	24	14	5	5	47-22	47
6.«Машъал»	25	11	4	10	39-33	37
7.«Сурхон»	24	9	4	11	27-42	31
8.«Андижон»	25	8	6	11	30-31	30
9.«Самарқанд–Д»	25	9	2	14	34-39	29
10.«Дўстлик»	25	8	3	14	32-50	27
11.«Бухоро»	24	8	2	14	39-44	26
12.«Цементчи»	25	6	7	12	33-52	25
13.«Қўқон–1912»	25	8	0	17	35-57	24
14.«Металлург»	25	6	5	14	28-56	23
15.«Трактор»	**25**	**6**	**4**	**15**	**28-55**	**22**
16.«Гулистон»	**25**	**6**	**3**	**16**	**20-53**	**21**

Тадбир

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Тошкент тумани спорт мажмуасида Турон якка кураши бўйича болалар ўртасида вилоят очиқ биринчилиги беллашувлари жуда кўпчиликда қизиқиш уйғотди. «Биз терроризм ва гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида ўтган мусобақа Тошкент вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, спорт қўмитаси ҳамда Турон якка кураши Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

– Биринчилик учун мезбонлардан ташқари Фарғона, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ёш спортчилари ғолиблик учун кураш олиб боришди, – дейди бош ҳакам Акром Шердонаев. – Баҳсларга 200 дан зиёд талабгор иштирок этгани ушбу миллий спорт тури тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради. Бинобарин, мусобақани ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шу эди.

Дарҳақиқат, ғоятда қизғин ва муросасиз беллашувлар сўнггида ўнлаб иқтидорли ўсмир-қизлар аниқланди. 10-11 ёшли ўғил болалар ўртасида ўтказилган баҳсларда А.Султонов, Қ.Даминов, Ў.Эргашбоев, А.Абдуфаттоҳов, М.Солихов, С.Абдувалиевлар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлдилар. 8-9 ёшли болалар беллашувларида эса М.Исроилов, Қ.Турсунов, Ж.Эргашев, Ҳ.Ҳикматиллаев, М.Муриддинов зафар қучди. Қизлар ўртасидаги баҳслар беш вазн тоифасида ташкил этилди. Унда Зилола Нишонбоева, Мухлиса Қодирова, Дурдона Маҳмудова, Замира Ғинохунова, Насиба Ғаниевага омад кулиб боқди.

Умумжаҳон ҳисобида биринчи ўрин мезбонларга насиб этди.

Б.ШЕРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«RAVSHAN KONCHI-BIZNES» савдо тайёрлов ширкатининг устав жамғармаси қисқартирилиши муносабати билан эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун:
Собир Раҳимов тумани Дадабоева кўчаси 52-уй, Тел:21-43-27.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 23456